ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА “МУБОЛАҒА” КОНЦЕПТИНИ ВОҚЕЛАНТИРУВЧИ ВЕРБАЛИЗАТОРЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАСНИФИ

Ж.Б.Қорабоев

Мақола турли тизимга мансуб тилларда “муболаға” концептуал семантикасини воқелантирувчи вербал воситаларнинг семантик таснифи масаласига бағишланган.

***Калит сўзлар**: семантика, концептуал семантика, “муболаға” концептуал семантикаси, муболағанинг семантик таснифи, муболағанинг соф ва аралаш турлари.*

Статья посвящена проблеме семантической классификации вербализаторов концептуальной семантики «гипербола» в языках разных систем.

***Ключевые слова**: семантика, концептуальная семантика, концептуальная семантика «гипербола», семантическая классификация гиперболемы, гиперболема, гиперболема смешанного типа.*

The article is devoted to the problem of the semantic classification of the verbalizers of the conceptual semantics of “hyperbole” in non-related languages.

***Key words**: semantics, conceptual semantics, conceptual semantics of “hyperbole”, semantic classification of “hyperbole”, hyperbole proper, hyperbole of mixed type.*

Когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан олиб караганда, “концепт” ментал жараёнларнинг натижаси сифатида “когнитив/концептуал семантика”нинг фреймлашган кўриниши бўлиб, тилда ўзиниг махсус вербализаторларига, яъни уни воқелантирувчи воситаларига эга” [1,3.4] Шундай концептлар сирасига “муболаға” концепти ҳам киради.

“Муболаға” концепти ёки “концептуал семантика”си универсал табиатга эга бўлиб, унинг бундай табиати мазкур концептнинг мулоқот (коммуникация) нуқтаи назаридан муҳим бир воқелик эканидан далолат беради. Чунки у барча тилларда сўзлашувчи кишилар тафаккурида, концептосферасида мавжуд идрокий (ментал) тушунчалардан бири бўлиб, тилларда ўзига хос махсус воқелантирувчи воситаларга, яъни вербализаторларга эга бўлган умумлисоний ҳодисадир. Бунинг сабаби шундаки, тилда мулоқот олиб борувчиларнинг кундалик ҳаётида объектив оламдаги инсон, ҳайвон, нарсалар, воқеа ва ҳодисалар, иш-ҳаракат ва жараёнлар, вазият-ҳолатларнинг сифати ва бошқа керакли жиҳатларига бериладиган тавсиф миқдори ва даражасини анча ошириб, муболағалаштириб, бўрттириб ифодалашга эҳтиёж туғилади. Демак, улар бундай ҳолатларда ўзларининг мулоқот мақсади (муддаоси/интенцияси)дан келиб чиқиб, шу маълумотни мулоқотдошга адекват (тўлақонли) ва таъсирчан етказиш учун маълум воқеликни бир қадар муболағалаштириб, бўрттириб ифодалайдилар. Шундай ҳолатларда улар “муболаға”, яъни “гиперболема” [2.75) стилистик воситасига бевосита мурожаат қиладилар. Масалан, *инглиз тилида*: I told you *a hundred times* not to go there alone (J.London); *ўзбек тилида:* Сизга *минг* раҳмат, ўғлим (П.Қодиров).

Ҳар қандай лисоний мулоқотда тингловчи ёки ўқувчига таъсир қилиш ва кўзланган муддао ёки мақсадга эришиш учун сўзловчи (ёки ёзувчи) томонидан муайян мақсадда муболағалашган тил воситаларининг атайлаб қўлланиши тез-тез кузатилади. Бунда сўзловчи/ёзувчи ўзининг мулоқотдан кўзлаган коммуникатив-прагматик мақсадига етиш учун тил воситаларининг мулоқот вазиятига мос келувчи энг қулай ва тўлақонли турларини танлайдики, улар орасида муболаға билан бир қаторда унга уйқаш, яқин бўлган бошқа семантикали стилистик воситалар ҳам мавжуд.

Инглиз ва ўзбек тилларида “муболаға” концептини ифодаловчи тил воситалари семантикаси юзасидан олиб борган қиёсий-типологик таҳлиллар мазкур концептни воқеалантирувчи вербализаторларнинг қуйидаги икки тури мавжуд эканини кўрсатди: 1) соф муболаға семантикасини ифодаловчи вербализаторлар; 2) аралаш (қоришиқ) муболаға семантикасини ифодаловчи вербализаторлар.

Юқорида зикр этилган вербализаторларнинг биринчи тури “муболаға” концептини соф, қоришмаган тарзда ифодалайди. Масалан: Сен ***ўта*** ақлли боласан – Ты ***слишком*** умный мальчик – You are the clever***est*** boy.

Вербализаторларнинг иккинчи тури эса шундай тил воситалари орқали ифодаланадики, уларда муболаға семасининг бошқа бир сема (ёки семалар) билан аралашиб, қоришиб кетиши кузати-

лади. Натижада синкретик муболағалашган сема ҳосил бўлади, яъни улар биргаликда муайян бир семантик бутунликни, синкретик бирликни ташкил этади. Масалан: Сени кўриб, кўнглим тоғдай кутарилди – He is as strong as a lion – Он силен как лев. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, тадқиқ қилиниётган муаммо муболағанинг семантик турлари, аниқроғи, унинг лисоний-семантик таснифи мазкур стилистик воситанинг ҳали тадқиқ қилинмаган томонларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, муболағанинг биринчи тури семантик жиҳатдан тоза, соф тур ҳисобланади. Масалан, инглиз тилида: «I told you a hundred times», “They overworked and got overfatigued”; ўзбек тилида: “Сизга мингдан минг раҳмат, ука” (А.Қаххор).

Муболағанинг иккинчи турига келсак, унда биз камида икки хил сема (муболаға ва бошқа стилистик сема)нинг бир-бири билан қоришиб, аралашиб кетганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, инглиз тилида: “The girls were dressed to kill”, “The girl’s eyes sparkled ”; ўзбек тилида: “Қўрқанимдан юрагим ёрилди”, ”Қизнинг мовий кўзлари чақнар эди”, “Кекса кишининг юзидан нур ёғилар эди” (А.Қаххор); “У тулкидек айёр эди”, “Йигит арслондек бақувват эди” (Ўзбек халқ эртаклари).

Қиёсланаётган тилларда муболаға концептуал семасини ифодаловчи тил воситалари юзасидан олиб борган кузатишларимиз шундай хулоса қилишга имкон берадики, муболағанинг иккинчи семантик турида муболаға билан бошқа троплар ва нутқ фигураларининг қўшилуви, аниқроғи, қоришуви кўзга яққол ташланади. Натижада муболаға семасига бошқа маънолар ва оттенкалар қўшилиб, синкретик сема ҳосил қилинади. Бундай ҳолатларда матннинг стилистик воситалар ва фигуралар йиғиладиган қисмида турли такрорлар, антитезалар, хиазмлар, метафоралар, метонимиялар, эпитетлар, литота ва бошқа стилистик воситалар бирлашиб, қоришадилар, натижада юқорида эслатиб ўтилган стилистик воситаларнинг конвергенцияси ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, инглиз ва ўзбек тилларида одам, ҳайвон, ўсимлик, нарса-ҳодиса, иш-ҳаракат, ҳолат кабиларнинг сифати, миқдори, даражаси ва бошқа бир қатор жиҳатлари муболағалаштирилаётганда, муболағанинг соф тури билан бир қаторда сўзловчи/ёзувчи томонидан бир-бири билан қоришиб кетган қуйидаги синкретик стилистик воситаларнинг қўлланиши ҳам кузатилади:

1) муболаға + метафора = муболағалашган метафора;

2) муболаға + метонимия = муболағалашган метонимия;

3) муболаға + синекдоха = муболағалашган синекдоха;

4) муболаға + хиазм = муболағалашган хиазм;

5) муболаға + антитеза = муболағалашган антитеза;

6) муболаға + эпитет = муболағалашган эпитет;

7) муболаға + климакс = муболағалашган градация;

8) муболаға + такрор = муболағалашган такрор;

9) муболаға + оксюморон = муболағалашган оксюморон;

10) муболаға + ўхшатиш = муболағалашган ўхшатиш.

Қиёсланаётган тилларда ҳар бир қоришиқ - муболағалашган синкретик стилистик воситага мисол келтирамиз:

1) In the world’s broad field of cattle,

In the bivouac of life,

Be not like dumb, driven cattle,

Be hero in the strife (муболағалашган метафора) (H.W. Longfellow).

2) The whole city is in despair (муболагалашган метонимия) (I.Murdoc.).

3) She would love to be back in Michael’s arms melting into his kiss. (муболағалашган синекдоха) (M.Radgers).

4) Men are the sport of circumstances, when the circumstances seem the sport of men (муболағалашган хиазм) (G.G.Byron)

5) Better to reign in hell than serve in heaven (муболағалашган антитеза) [6].

6) Her mother ran up, and came into the bedroom with a worried-end-of-the-world frown on her face (муболағалашган эпитет) (E.O.Brian)

7) He was in love and if in love then not just a little in love, but terribly, desperately, needfully in love (муболағалашган климакс) (I.Murdoc).

8) Nothing to see but sights,

Nothing to quench but thirst,

Nothing to have but what we’ve got

Thus through life we are cursed (муболағалашган такрор)

9) It is awfully nice of you to come here. (муболағалашган оксюморон)

10) A little girl is as lovely as sun (ibid). (муболағалашган ўхшатиш)

Ўзбек тилида:

Унинг юраги тошга айланди (муболағалашган метафора).

У тоғни урса, талқон қиладиган кўринади (муболағалашган метафора).

Болғачиниг минг ургани, босқончининг бир ургани (муболағалашган антитеза).

Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар (муболағалашган антитеза).

Бир ота ўттиз ўғилни боқа олади, лекин ўттиз ўғил бир отани боқа олмайди (муболағалашган хиазм).

Қиёсланаётган тиллардаги гиперболемаларнинг тизимли таҳлили асосида предмет ва ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар ва бошқаларнинг тавсифи даражаси ёки миқдорининг мутлақ (*дунё менга тор*) ёки номутлақ (*ўларча чарчадим, лекин ўлмадим*) муболағалаштирилишига кўра икки асосий семантик турга ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: 1) мутлақ қамровли гиперболемалар; 2) номутлақ қамровли гиперболемалар.

Ўз навбатида ҳар икки тур орқали муболағанинг қуйидаги бир-бирига қарама-қарши бўлган икки семантик турини ифодалаш мазкур тилларнинг (бизнингча, барча тилларнинг ҳам) изоморфик умумий жиҳатлари бўлиб, улар бевосита умумлисоний қонуниятларга бориб тақалади: 1) ижобий семантикани ифодаловчи муболағa (масалан: “Кўнглим тоғдек кўтарилди”); 2) салбий семантикани ифодаловчи муболағa (масалан: “Мен итдек санқидим”). Муболағанинг алломорфик жиҳатлари эса унинг структурал-семантик қурилишида яққол кўзга ташланади. Чунки ҳар бир тилда муболағa шу тилнинг истеъмолдаги бетакрор қолиплари асосида қурилади ва қўлланади.

Тилни ўқитиш ва таржима жараёнида муболағанинг юқорида мазкур универсал семантик турларига алоҳида эътибор қаратилмаса, бир томондан, тил ўрганувчилар муболағa турларини бир-биридан фарқлаш ҳамда кундалик нутқларида ўринли қўллаш малака ва кўникмаларига эга бўлмай қоладилар; иккинчи томондан, таржима жараёнида муболағанинг бетакрор семантик хусусиятлари бир тилдан иккинчи тилга тўлақонли ўгирилмай қолиши мумкинки, бу таржиманинг сифатига путур етказади.

Адабиётлар:

1. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка.- М., 1973.- 326 с.

2. Карабаев Ж.Б. Лингвокультурологические особенности вербализаторов концептуальной семантики «гипербола» в языках разной типологической принадлежности // Вестник Челябинского государственного университета.- 2015.- № 10. (365).Филология. Искусствоведение. Вып. 95.- С. 74–80.

3. Сыроваткин С.Н. Явление гиперболизации в плане функциональной лингвосемиотики. // Вопросы лексикологии, стилистики и грамматики в аспекте общего языкознания.- Калинин, 1977.- С. 106-130.

4. Хошимов Г.М. К теории концептов и их таксономики в когнитивной лингвистике.// Систем-структур тилшунослик муаммолари. Филология фанлари доктори, профессор Н.К.Турниёзов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган республика илмий-назарий конференцияси материаллари.- Самарканд, 2010.- С.47-54

5. Yusupov U. Comparative Linguistics of the English and Uzbek Languages.- T.: Akademnashr, 2013.- Б.101-103

6. Galperin I.R.Stylistics. - M.: Higher school, 1981.- 248 p.

Андижон давлат университети,
2016 йил 11 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)